



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 6 » октябрь

№ ПК–296

Истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги устидан назоратни янада кучайтириш, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш.

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 мартдан бошлаб рақамли маркировка тизими жорий қилинган товарларнинг яроқлилик муддати ўтган бўлса, уларнинг савдоси ушбу тизим орқали **автоматик равишда чекланади.** Бунда рақамли маркировкаланган муддати ўтган товарларга **назорат-касса техникаларида харид чеки чиқарилмайди.**

2. Белгилансинки:

(а) 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб санитария-эпидемиологик хулоса расмийлаштириш мақсадида давлат санитария назорати органи тизимидаги аккредитация қилинган лабораторияларда ўтказиладиган барча синовлар баённомалари электрон кўринишда “E-akkreditatsiya” ахборот тизимининг “E-laboratoriya” модули орқали расмийлаштирилади ҳамда ушбу органнинг расмий веб-сайтида хулосаси расмийлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг ягона онлайн реестри юритилади;

(б) 2025 йил 15 октябрдан 2027 йил 1 январга қадар тажриба тариқасида нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда “сирли миждоз” ва назорат хариди тадбирларини ўтказиш тартиби жорий этилади. Бунда мазкур тадбирларни ўтказиш учун нодавлат нотижорат ташкилотнинг тегишли ходими Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда – Рақобат қўмитаси) ҳузуридаги Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари марказининг ўқув курсларини тамомлаганлиги тўғрисидаги махсус сертификатга эга бўлиши лозим;

(в) нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Рақобат қўмитасининг бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан уларга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ташкил қилиш ва соҳадаги муаммоларни ўрганиш учун давлат ижтимоий буюртмалари бериш тарзида маблағлар ажратиб борилади. Бунда:

(i) ушбу маблағлар Жамғармадан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказиладиган маблағлар қисми ҳисобидан ажратилади;

(ii) истеъмолчилар мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда “сирли миждоз” ва назорат хариди тадбирларини ўтказиш учун давлат ижтимоий буюртмалари беришда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини баҳолаш мезонлари белгиланади;

(iii) нодавлат нотижорат ташкилотларга давлат ижтимоий буюртмалари бериш тарзида ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш учун ғазначилик назорати ўрнатилади.

3. Истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2025 йил 1 декабрдан бошлаб “истеъмолчи–тадбиркор–нодавлат нотижорат ташкилотлар–давлат органлари” тизими жорий этилади. Бунда:

- (а) истеъмолчиларнинг барча мурожаатлари Рақобат қўмитасида ишга тушириладиган “Истеъмолчи мурожаати” ахборот тизими орқали қабул қилинади ва барча босқичларда мониторинг қилиб бориш тизими йўлга қўйилади;
 - (б) “Истеъмолчи мурожаати” ахборот тизимини Солиқ қўмитасининг ягона ахборот тизимига интеграция қилиш орқали барча тадбиркорлик субъектларига истеъмолчилардан мурожаатлар келиб тушгани ҳақида хабар юбориш тизими йўлга қўйилади;
 - (в) истеъмолчининг “Истеъмолчи мурожаати” ахборот тизими орқали рўйхатга олинган мурожаати, биринчи навбатда, тадбиркор томонидан Рақобат қўмитаси назорати остида 10 кун ичида кўриб чиқилади, истеъмолчи мурожаати ижобий ҳал этилмаган тақдирда, мурожаатчининг танловига кўра Қўмитага ёки нодавлат нотижорат ташкилотларга ўрганиб чиқиш учун юборилади. Бунда:
 - (i) истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлганда, нодавлат нотижорат ташкилотлар тадбиркорга ихтиёрий тартибда ҳуқуқбузарликни бартараф этиш бўйича кўрсатма беради;
 - (ii) агар тадбиркор 10 кун ичида ҳуқуқбузарликни ихтиёрий тарзда бартараф этмаса, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳолат юзасидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли ваколатли давлат органларига мазкур тизим орқали ёки судга мурожаат қилади;
 - (г) Рақобат қўмитаси истеъмолчиларнинг тизимли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, номуайян доирадаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларини амалга оширади.
4. Рақобат қўмитасининг яроқлилик муддати ўтган, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларини уларнинг ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда сотганлик ҳамда сотиш учун қабул қилганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жарималар миқдорини уч бараваргача ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Рақобат қўмитаси **икки ой муддатда** мазкур бандда келтирилган таклиф юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида нодавлат нотижорат ташкилотларга давлат субсидиялари, грантлар ажратиш ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш тавсия этилсин.

II. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат.

6. Истеъмолчиларнинг мурожаатларини ўз вақтида қабул қилиш ва кўриб чиқиш мақсадида 1-иловага мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлар **уч ой муддатда** ўз ахборот тизимларини “Истеъмолчи мурожаати” ахборот тизимига интеграция қилишни таъминласин.
7. Истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни ташкил этиш ва янги босқичга олиб чиқиш бўйича чора-тадбирлар дастури **2-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.
8. Рақобат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
10. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Ҳ.С. Турахужаев белгилансин.

11. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ўз ахборот тизимларини “Истеъмолчи мурожаати” ахборот тизимига
интеграция қиладиган давлат органлари ва ташкилотлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Давлат органлари ва ташкилотлар номи	Интеграция қилинадиган tizim номи
1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси	cabinetpm2.gov.uz
2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	kb-business.gov.uz
3.	Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил	admbusiness.gov.uz
4.	Бош прокуратура	1007.prokuratura.uz
5.	Солиқ қўмитаси	my.soliq.uz
6.	Рақамли технологиялар вазирлиги	murojaat.gov.uz

Истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш ва янги босқичга олиб чиқиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
1.	“Сирли мижоз” ва назорат хариди тадбирларини ўтказиш учун Рақобат қўмитаси ҳузуридаги Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари марказининг ўқув курсларида нодавлат нотижорат ташилотларнинг ходимларини ўқитиш ва уларга махсус сертификат бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.	Идоравий ҳужжат	2025 йил октябрь	Рақобат қўмитаси
2.	Нодавлат нотижорат ташилотнинг “Сирли мижоз” ва назорат хариди тадбирларини ўтказишга жалб этиладиган ходимларини Рақобат қўмитаси ҳузуридаги Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқлари тадқиқотлари марказида ўқитиш.	Амалий чора-тадбир	Доимий	Рақобат қўмитаси
3.	Нодавлат нотижорат ташилотларга истеъмолчилар мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда “Сирли мижоз” ва назорат хариди тадбирларини ўтказиш учун давлат ижтимоий буюртмалари беришда нодавлат нотижорат ташилотлар фаолиятини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш.	Идоравий ҳужжат	2025 йил октябрь	Рақобат қўмитаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар
4.	Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан истеъмомчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, “Сирли мижоз” ва назорат хариди тадбирларини ўтказиш бўйича тажриба натижаларидан келиб чиқиб, тегишли функцияларни нодавлат нотижорат ташкилотларга ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Таклиф киритиш	2026 йил декабрь	Рақобат қўмитаси
5.	Санитария-эпидемиологик ҳулосани расмийлаштириш мақсадида давлат санитария назорати органи тизимидаги аккредитация қилинган лабораторияларда ўтказиладиган барча синовлар баённомаларини электрон кўринишда “E-akkreditatsiya” ахборот тизимининг “E-laboratoriya” модули орқали расмийлаштириш ҳамда ушбу органининг расмий веб-сайтида ҳулосаси расмийлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг ягона онлайн реестрини юритиш.	Амалий чора-тадбир	2025 йил октябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
6.	Рақобат қўмитасининг “Fair tech” ягона ахборот тизими доирасида истеъмомчиларнинг барча мурожаатларини қабул қилиш ва нодавлат нотижорат ташкилотларга юбориш, кўриб чиқиш жараёнларини қамраб олувчи “Истеъмомчи мурожаати” ахборот тизимини ишга тушириш. Бунда Рақобат қўмитасига истеъмомчилардан келиб тушган мурожаатларни автоматик равишда ягона ахборот тизимига ўтказиш ва ижро жараёнини онлайн кузатиш имкониятини яратиш мақсадида “Истеъмомчи мурожаати” ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш	Амалий чора-тадбир	2025 йил ноябрь	Рақобат қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар
	бўйича вакил, Бош прокуратуранинг ахборот тизимларига интеграция қилиш.			Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Савдо-саноат палатаси
7.	“Истеъмолчи мурожаати” ахборот тизимини Солиқ қўмитасининг ягона ахборот тизими билан интеграция қилиш орқали барча тадбиркорлик субъектларига истеъмолчиларнинг мурожаатлари келиб тушганлиги ҳақида хабар юбориш тизимини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2025 йил ноябрь	Солиқ қўмитаси, Рақобат қўмитаси
8.	Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига истеъмолчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш мuddатлари ва тартибини ўзгартиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Қонун лойиҳаси	2025 йил октябрь	Рақобат қўмитаси, Адлия вазирлиги
9.	Истеъмолчиларнинг мурожаатларини онлайн қабул қилиш, кўриб чиқиш ва тезкор маслаҳат ёки жавоб бериш тизимини жорий этиш. Бунда замонавий ва “ақлли” технологиялардан (сунъий интеллектдан) фойдаланган ҳолда истеъмолчиларнинг мурожаатларини онлайн қабул қилиш, кўриб чиқиш, тезкор маслаҳат ва жавоб бериш амалиётини жорий этиш.	Рақобат қўмитасининг веб-сайтида ва телеграм ботида рукн ташкил этиш	2026 йил январь	Рақобат қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
10.	Рақамли маркировка тизими жорий қилинган товарларнинг яроқлилик муддати ўтган бўлса, уларнинг савдосини тизим орқали автоматик равишда чеклаш, назорат-касса техникаларида товар чеки чиқарилмаслигини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбир	2026 йил февраль	Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
11.	Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”ги қонунларига товар (иш, хизмат)лар номи, ёрлиқлари, тамгалари, техник ҳужжатлари ва рекламасида, шунингдек, фирма номида сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилардан асоссиз фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида экологик софликни ифодаловчи сўзлар (“эко”, “есо”, “eko”), шунингдек, ушбу сўзлардан ҳосил бўладиган сўз бирикмалари ёки мазкур сўзларни ўз ичига олган сўзлардан фойдаланишни қонун даражасида тартибга солишни назарда tutувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Қонун лойиҳаси	2025 йил сентябрь	Рақобат қўмитаси, Экология вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ–4913-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви соҳасига хусусий секторни жалб қилишнинг дастлабки йўналишлари қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

“Изоҳ: мазкур иловага мувофиқ хусусий секторга берилаётган давлат функциялари бўйича товарлар муомаласи соҳаси 2035 йил 31 декабрга қадар товар бозори сифатида қаралмайди”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги ПҚ–5031-сон қарори билан тасдиқланган Товар-хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”нинг 2-позицияси “Масъул ижрочилар” устунидаги “Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси” сўзлари “Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги “Аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–110-сон қарорида:

(а) 4-банднинг учинчи хатбошисидаги “Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси” сўзлари “Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 5-банддаги “Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси” сўзлари “Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 6 » октября

№ ПП–296

О мерах по организации эффективной защиты прав потребителей

В целях дальнейшего усиления контроля за качеством и безопасностью продовольственных товаров, а также внедрения эффективных механизмов защиты прав потребителей **постановляю:**

I. Совершенствование системы защиты прав потребителей.

1. Установить порядок, в соответствии с которым с **1 марта 2026 года при истекшем сроке годности** товаров, на которые внедрена система цифровой маркировки, **торговля ими в автоматическом порядке ограничивается посредством данной системы.** При этом на товары, срок цифровой маркировки которых истек, **товарный чек в контрольно-кассовой технике не распечатывается.**

2. Определить, что:

(а) с 1 ноября 2025 года в целях оформления санитарно-эпидемиологического заключения протоколы всех испытаний, проводимых в лабораториях, аккредитованных в системе органа государственного санитарного надзора, оформляются в электронной форме посредством модуля «E-laboratoriya» информационной системы «E-akkreditatsiya», а также на официальном веб-сайте данного органа ведется единый онлайн-реестр продовольственных товаров, на которые оформлены заключения;

(б) на срок с 15 октября 2025 года до 1 января 2027 года в качестве эксперимента внедряется порядок рассмотрения обращений потребителей негосударственными некоммерческими организациями, а также проведения ими мероприятий «тайный покупатель» и контрольной покупки. При этом соответствующий работник негосударственной некоммерческой организации для проведения данных мероприятий должен иметь специальный сертификат об окончании учебных курсов Центра исследований конкурентной политики и прав потребителей при Комитете по развитию конкуренции и защите прав потребителей (далее – Комитет по конкуренции);

(в) в целях поддержки деятельности негосударственных некоммерческих организаций им для организации защиты прав потребителей и изучения проблем в сфере за счет средств внебюджетного Фонда содействия развитию конкуренции (далее – Фонд) Комитета по конкуренции выделяются средства в виде выдачи государственных социальных заказов. При этом:

(i) данные средства выделяются из Фонда за счет части средств, перечисляемых в республиканский бюджет Республики Узбекистан;

(ii) для рассмотрения обращения потребителей и проведения мероприятий «тайный покупатель» и контрольной покупки при предоставлении государственных социальных заказов определяются критерии оценки деятельности негосударственных некоммерческих организаций;

(iii) для организации эффективного использования средств, выделяемых негосударственным некоммерческим организациям в виде предоставления государственных социальных заказов, устанавливается казначейский надзор.

3. В целях повышения эффективности рассмотрения обращений потребителей с 1 декабря 2025 года внедряется система «потребитель – предприниматель – негосударственная некоммерческая организация – государственный орган». При этом:

- (а) все обращения потребителей принимаются посредством информационной системы «Обращение потребителя», запускаемой в Комитете по конкуренции, и внедряется система ведения мониторинга на всех этапах;
 - (б) налаживается система направления всем субъектам предпринимательства уведомления о поступлении обращений от потребителей посредством интеграции информационной системы «Обращение потребителя» с единой информационной системой Налогового комитета;
 - (в) обращение потребителя, зарегистрированное посредством информационной системы «Обращение потребителя», в первую очередь рассматривается предпринимателем в течение 10 дней под контролем Комитета по конкуренции, в случае если обращение потребителя не решено положительно, оно по усмотрению заявителя направляется в Комитет или негосударственные некоммерческие организации для изучения. При этом:
 - (i) при наличии случаев нарушений прав потребителей негосударственные некоммерческие организации вносят предпринимателю предписание по устранению правонарушений в добровольном порядке;
 - (ii) если предприниматель в течение 10 дней не устранил правонарушение в добровольном порядке, то негосударственные некоммерческие организации по данному случаю обращаются посредством вышеуказанной системы к соответствующим уполномоченным государственным органам по защите прав потребителей или в суд;
 - (г) Комитет по конкуренции осуществляет работу по изучению и решению системных проблем потребителей, защите прав неопределенного круга потребителей.
4. Согласиться с предложением Комитета по конкуренции об увеличении до трехкратного размера штрафов по административным правонарушениям за реализацию и принятие к реализации продовольственных товаров с истекшим сроком годности, а также на которых не указаны, но должны быть обязательно указаны дата производства и срок годности.

Комитету по конкуренции **в двухмесячный срок** касательно указанного в настоящем пункте предложения представить в Кабинет Министров проект закона о внесении изменений и дополнений в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности.

5. Рекомендовать Общественному фонду по поддержке негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан выделить негосударственным некоммерческим организациям в направлении защиты прав потребителей государственных субсидий, грантов и финансирование ими социально значимых проектов.

II. Организация, обеспечение и контроль исполнения постановления.

6. Государственным органам и организациям, указанным в **приложении № 1, в трехмесячный срок** в целях своевременного принятия и рассмотрения обращений потребителей обеспечить интеграцию своих информационных систем с информационной системой «Обращение потребителя».
7. Утвердить Программу мер по организации эффективной защиты прав потребителей и выведению ее на новый уровень **согласно приложению № 2.**
8. Комитету по конкуренции совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами **в трехмесячный срок** внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.
9. Внести изменения и дополнения в некоторые постановления Президента Республики Узбекистан согласно приложению № 3.
10. Возложить на председателя Комитета по развитию конкуренции и защите прав потребителей Турахужаева Х.С. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

- 11.** Обсуждение хода исполнения настоящего постановления, осуществление координации и контроля за деятельностью организаций, ответственных за его исполнение, возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

Приложения №№ 1–2 приводятся на узбекском языке

**Изменения и дополнения, вносимые в некоторые постановления
Президента Республики Узбекистан**

1. Первоначальные направления привлечения частного сектора в сферу государственного управления, утвержденные постановлением Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2020 года № ПП–4913, дополнить примечанием следующего содержания:

«Примечание: сфера оборота товаров по государственным функциям, предоставляемым частному сектору в соответствии с настоящим приложением, в срок до 31 декабря 2035 года не рассматривается в качестве товарного рынка».

2. В графе «Ответственные исполнители» позиции 2 «Дорожной карты» по широкому внедрению передовых информационных технологий в деятельность товарно-сырьевых бирж и последовательному развитию их электронной коммерческой деятельности, утвержденной постановлением Президента Республики Узбекистан от 17 марта 2021 года № ПП–5031, слова «Комитет по развитию конкуренции и защите прав потребителей» заменить словами «Инспекция по регулированию алкогольного и табачного рынка при Департаменте по борьбе с экономическими преступлениями».

3. В постановлении Президента Республики Узбекистан от 4 апреля 2023 года № ПП–110 «О дополнительных мерах, направленных на обеспечение населения качественными потребительскими товарами»:

(а) в абзаце третьем пункта 4 слова «Комитет по развитию конкуренции и защите прав потребителей» заменить словами «Инспекция по регулированию алкогольного и табачного рынка при Департаменте по борьбе с экономическими преступлениями»;

(б) в пункте 5 слова «Комитету по развитию конкуренции и защите прав потребителей» заменить словами «Инспекции по регулированию алкогольного и табачного рынка при Департаменте по борьбе с экономическими преступлениями».

